Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 88 (20.. 955) 1991 йил 9 май, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

БУГУН 9 МАЙ — 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБА БАЙРАМИ

УНУТИЛМАС, МУҚАДДАС ЖАСОРАТ

● Бугун мамлакатимиз халқлари Ғалаба байрамини тантанали нишонламоқдалар. Шу муносабат билан мухбиримиз Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий-сиёсий бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-майор И. С. Фурмановга мурожаат қилди ва ушбу ғалабанинг тарихий аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни сўради:

— Бундан қирқ олти йил муқаддам Берлин яқинидаги Карл Хорст шаҳарчасида 8 майдан 9 майга ўтар кечаси гитлерчилар Германиясининг «енгилмас армияси» сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатга имзо чекилганди, — деб таъкидлади Игорь Стефанович Фурманов. — Ҳозирги кунда эса совет ва чет эл тарихнавислари орасида иккинчи жаҳон урушининг бошланиши сабабларини, унинг хусусиятларини қайта кўриб чиқиш ва унга баҳо бериш ҳақида аниқ йўналиш пайдо бўлди. Янги-янги «ҳужжатлар» эълон қилинмоқда. Бизнинг мамлакатимизни тарихда мисли кўрилмаган қуролли тўқнашувнинг бош айбдори қилиб кўрсатишга, фашистлар Германиясини эса оқлашга уринишяпти.

Бироқ ҳақиқат тарихини қайта ёзиб бўлмайди. Иккинчи жаҳон уруши империализмнинг зиддиятлари туфайли, унинг асосий икки гуруҳи ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг кучайиши оқибатида туғилган эди.

Бир томондан Германия, Италия ва Япония, бошқа томондан АҚШ, Англия, Франция бошқа мамлакатлар ва халқлар манфаатлари ҳисобига ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қилишарди. Бунинг устига уларни социализмга, СССРга нисбатан нафрат ҳам бирлаштирарди. Антикоммунизм ва антисоветизм улар сиёсатининг асосини ташкил этарди. СССРга қарши курашда, бутун ишчилар ва коммунистик ҳаракатга қарши курашда герман фашизми уларга зарбдор куч сифатида қўл келди. АҚШ, Англия ва Франция империалистик доиралари Германияда қудратли ҳарбий саноат барпо этилиши ва унинг тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Ваҳолонки, улар Германиянинг Шарққа юришига оқ фотиҳа берган эдилар. Бу рўй-рост далилларни тарих саҳифаларидан ўчириб бўлмайди.

Кекса авлод вакиллари каби менинг ҳам бугунги баҳор байрами, узоқ кутилган қирқ бешинчи йилнинг нурли тонгига муносабатим бошқача. Бунинг сабаби бор, албатта. Аскар отам даҳшатли жангларнинг бирида фашист босқинчиларига қарши курашда ҳалок бўлган. Ҳа, даҳшатли ҳаёт ҳақиқати ана шундай.

1941 йил 22 июнида босқинчилар мамлакатимизга ёпирилиб, мислсиз куч билан зарба бера бошлади. Уларнинг армияси 190 дивизия, беш ярим миллион аскар, 4300 га яқин танк, 74 мингдан ортиқ қурол ва миномёт, 5 мингга яқин жанговар самолётлардан иборат эди. Герман фашизми СССРга уруш бошлашдан олдин қатор мамлакатларни босиб олиб, Шарққа қарши юриш учун тайёргарлик кўришга улкан моддий ресурсларни жалб этган эди. Бинобарин, яна шу нарсани таъкидлаш керакки, фашист қўшинлари икки йиллик жанговар ҳаракатлар жараёнида катта тажрибага ҳам эга бўлган эди.

Ана шундай кучнинг сиқувига бардош бериш сўзсиз мураккаб вазифа эди. Зарба устига зарба берила бошланди. Урушнинг бошида Қизил Армияга қатор оғир талофотлар етказган гитлерчилар мамлакатимиз ичкарисига 300—600 километр кириб борди, 70 миллион киши яшайдиган ССР Иттифоқи ҳудудини босиб олди. Ҳали тарихчилар бу фожиалар — халқимиз қисматига тушган азоб-уқубатлар, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишларнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳақида ўзларининг сўнгги сўзларини айтганлари йўқ. Ахир, бу жуда аччиқ ҳақиқат-ку: 1923 йилда туғилган уруш иштирокчиларининг ўн нафаридан икки нафари тирик қолган, холос.

Ҳатто ҳозир ҳам «оқ доғлар» аниқроғи «қора доғлар» сақланиб қолган, ҳали ҳамма нарса ҳисоб-китоб қилинмаган бўлса ҳам мавжуд ҳужжатлар асосида шуни тасдиқлаш мумкинки, босқинчиларнинг ҳужумини қайтаришга зарур чоралар кўришга халақит берган шарт-шароитлар ичида Қизил Армия ва

(Давоми иккинчи бетда).

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ҚУДРАТИМИЗ ДЎСТЛИКДА

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

7 май куни Тошкентда шаҳар меҳнаткашлари ва пойтахт горнизони жангчилари вакилларининг 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Ғалабасининг 46 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи штаби бошлиғи генерал лейтенант Ю. Д. Букреев йиғилишда маъруза қилди.

Йиғилишда Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси ғоят қонуний эканлиги таъкидланди. У социализмнинг улкан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий имкониятларини, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар, мамлакатимиздаги барча халқлар иттифоқининг мустаҳкамлигини тўла-тўкис намоён қилди.

Халқимиз буюк Ғалаба кунини мураккаб вазиятда кутиб олмоқда. Мамлакатдаги воқеаларнинг ривожи хавфли, барча совет кишилари учун, бутун Иттифоқимиз учун хатарли тус олмоқда.

Мамлакат тақдирини, одамларнинг шани ва қадр-қимматини, ҳар бир хонадонда фаровонликни эъзозлайдиган барча кишилар биргаликда зўр ғайрат билан ҳаракат қиладиган пайт келди. Ижтимоий тотувлик, фуқаролар тинчлиги, барча сиёсий кучлар мухолифликдан ҳамда ўз иззат-нафсини кўзлашдан воз кечиши зарур.

Ўзбекистон меҳнаткашлари, туркистончи жангчилар барча совет кишилари каби мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишнинг СССР Президенти билан тўққиз жумҳурият раҳбарларининг қўшма баёнотида таърифлаб берилган чора-тадбирлари жадаллик билан амалга оширилишига умид боғламоқдалар, деб таъкидланди йиғилишда.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

Тантанали йиғилишда Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал полковник И. В. Фуженко, халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СССР МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

1991 йил 9 май **210-сон** **Москва шаҳри**

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, Улуғ Ватан уруши фахрийлари, Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

9 майда совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабаси кунига 46 йил тўлади. Шафқатсиз жанг давомида кўпмиллатли Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги ҳимоя қилиб қолинди, қадрдон еримиз босқинчилардан тозаланди, фашистлар Германияси ва унинг ғумашталарига қақшатқич зарба берилди, Европа халқлари фашизм зулмидан озод қилинди.

Умумхалқ кураши тусини олган Улуғ Ватан уруши СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигининг, улар иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий иттифоқининг енгилмас ҳаётий кучини ишонарли тарзда тасдиқлади. Қуролли Кучларимиз жанг майдонларида ўз жанговар байроқлари шуҳратига шуҳрат қўшдилар. Совет жангчилари мислсиз оммавий қаҳрамонлик, юксак жанговар маҳорат кўрсатиб, ҳарбий қасамга, ҳарбий бурчга, ўз халқига содиқликларини намоён этдилар. Халқ лашкарлари, яширин иш олиб борувчилар ва партизанлар жангчилар билан ёнма-ён туриб душманга зарба бердилар. СССР фашизмни тор-мор келтиришга ҳал қилувчи ҳисса қўшганлиги билан совет кишилари ҳақли равишда фахрланадилар, улар умумий душманга қарши курашда иккинчи жаҳон уруши барча қатнашчиларининг хизматларини унутмайдилар ва ҳурмат қиладилар.

Бизнинг Ғалабамиз инсоният олдида Ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш истиқболини очиб берди. Сўнгги йилларда бу истиқболлар халқаро сиёсий иқлимнинг соғломлашувида, қуролсизланишга доир музокара жараёнларидаги амалий ютуқларда мужассамлашиб моддий тус олди. Шу билан бир пайтда ҳозирги давримиздаги воқелик шундайки, ҳозирча ижобий ўзгаришлар муқаррар тус олгани йўқ, ҳарбий хавф сақланиб турибди. Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги хотира совет кишиларидан юксак даражада ҳушёр бўлишни, мамлакатнинг мудофаа қобилияти тўғрисида хормайтолмай ғамхўрлик қилишни тақозо этмоқда.

Замонавий техника билан жиҳозланган ва юксак касб тайёргарлигидан ўтган, халқ мададига таянаётган Қуролли Кучлар урушнинг олдини олишнинг чинакам омили, Ватанимиз — ССР Иттифоқидаги барча халқлар хавфсизлиги ва суверенитетининг таянчига айланди. Совет жангчилари конституциявий бурчларига, кекса авлоднинг қаҳрамонона анъаналарига содиқдирлар. Улар совет жамиятини янгилашда фаол қатнашмоқдалар, ҳарбий ислоҳотнинг мураккаб вазифаларини қатъият билан ҳал қилмоқдалар, армия ва флотнинг жанговар тайёргарлигини етарли ва ишончли даражада сақлаб турибдилар.

Армия ва флот шахсий составини, уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларини, барча совет кишиларини буюк Ғалаба байрами билан табриклайман ва қутлайман!

Совет халқининг 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 46 йиллигини нишонлаш учун **буюраман:**

1991 йил 9 май куни маҳаллий вақт билан соат 22 да Ватанимиз пойтахти Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск ва Мурманскда, Қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Самара, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Северо-морскда тўплардан 30 марта ўқ узилиб артиллерия байрам салюти берилсин.

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

СССР мудофаа вазири Совет Иттифоқи Маршали

Д. ЯЗОВ.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

УРТОҚ А. Р. ОТАЖОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Алихон Раҳматович Отажонов Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — Ўзбекистон ССР меҳнат вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 8 май.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикани ижтимоий ва маданий ривожлантиришдаги хизматлари, жамоатчилик ҳаётида фаол қатнашганлиги ва Ғалаба куни муносабати билан қуйидаги ўртоқларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»

Охунжонов Босит Алиевич — Тошкент тиббий педиатрия илмгоҳи жарроҳлик касалликлари кафедрасининг мудири.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Иброҳимов Эргаш Иброҳимович — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазирлиги эндокринология илмий тадқиқот илмгоҳи касалхонасининг шифокор-ҳисобчиси.

Сирожев Пўлат Сирожевич — Тошкент бош қурилиш бошқармаси тиббиёт-санитария қисми бошлиғининг ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Умаров Тулупберген — Тошкент вилоятининг Оржоникидзе районидаги 9-мактаб ўқитувчиси.

Назаров Ашот Константинович — М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси халқ чолғу асбобларида ижрочилик кафедрасининг доценти.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Раҳимов Муҳаммаджон Раҳимович — Журналистика фахрийси. Андижон вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Петров Владимир Николаевич — «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмасининг геологи.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Биркин Михаил Михайлович — Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот илмгоҳи директорининг ўринбосари.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 8 май.

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҚАДРЛИ ЎРТОҚ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Совет Ўзбекистони бошига тушган оғир бахтсизлик — Тошкент вилоятининг қишлоғида рўй берган кўчки ҳақидаги хабарни қалбларда алам билан эшитдим. У одамларнинг умрига зомин бўлибди, моддий зарар етказибди.

Шу муносабат билан Афғонистон ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига, жабрдийдаларнинг оилаларига чуқур таъзиямизни қабул қилишингизни сўрайман.

НАЖИБУЛЛО,
Афғонистон Жумҳуриятининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Ангрен шаҳри яқинида табиий офат рўй бериб, одамлар қурбон бўлганлиги тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу ва алам билан эшитдик.

Шу муносабат билан сизга ва шаҳид кетганларнинг оилаларига ўз чуқур таъзиямизни изҳор қиламиз ва Оллоҳ таолодан сабр-қаноат ва матонат беришини сўраймиз.

«Биз ҳаммамиз Оллоҳнинг бандаларимиз ва ҳаммамиз фурсат келиб унинг ҳузурига борамиз».

АЛ-МАБРУК АЛ-ГАМУДИЙ ОМРАН,
Ливия Араб Жамоҳириясининг Тошкентдаги бош консули.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Ўзган шаҳри аҳолиси Ангрендаги Жигаристон қишлоғида рўй берган фожиали воқеа муносабати билан қаттиқ қайғурмоқда. Барча шаҳарликлар номидан бизнинг чуқур таъзиямизни қабул қилгайсиз.

«Қайрағоч» маҳалласининг аҳолиси,
Ўзган шаҳри, Қирғизистон.

* * *

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Жигаристондаги фожиа қалбларимизни ларзага келтирди. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига таъзия изҳор қиламиз. Энди ҳеч қачон бундай мусибат такрорланмасин. Сизга ва Ўзбекистондаги барча кишиларга тинчлик ва омонлик тилайман.

Дилором СОДИҚОВА, Қаҳрамон она,
Ўш вилояти, Ўзган шаҳри.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИГА, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА

Кузбасс аҳолиси Ангрен шаҳри яқинида оғир табиий офат рўй бериб, одамлар қурбон бўлгани муносабати билан, қардош ўзбек халқига чуқур ҳамдардлик билдиради. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндош-уруғларига, барча жабрдийдаларга таъзия изҳор қиламиз.

ТУЛЕЕВ, халқ депутатлари Кемерово вилоят Кенгаши раиси.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЕРЛАШ, САҚЛАШ ВА СОТИШ КООПЕРАТИВ БИРЛАШМАСИ (ЎЗБЕКИСТОН КООПЕРАТИВ-ТАЙЕРЛОВ САВДОСИ)НИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Колхоз ва совхозларда, ижарачилар ва деҳқон (фермер) хўжаликларида, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида, боғдорчилик-узумчилик ширкатларида ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа корхоналари ва ташкилотларида етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш системасини такомиллаштириш, шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида ҳамда республика истеъмол кооперацияси, деҳқонлар уюшмаси кенгашлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмасининг аъзолари бўлган пайчиларнинг истакларини инобатга олиб:

1. Ўзбекбирлашув кенгашларининг, деҳқонлар уюшмасининг ва шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмасининг тайёрлов ва кооператив савдо бош бошқармасининг ҳамда вилоят, шаҳар ва район тайёрлов ҳамда сотиш базаларининг ва идораларининг, транспорт хўжаликларининг, Ўзбекбирлашув ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва деҳқон бозорларининг негизида республика мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш кооператив бирлашмаси (Ўзбекистон кооператив-тайёрлов савдосси)ни тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков) тегишли қарорни тайёрласин ва унда ушбу Фармонни бажариш юзасидан ташкилий тадбирларни кўзда тутсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

СССР Президенти 7 май куни Кремлда совет немисларининг вакиллари — СССР немислари съездини тайёрлаш ташкилот комитетининг аъзолари ва фаоллари билан учрашди. Ташкилот комитетининг раиси академик Б. В. Раущенбах, учрашувнинг бошқа қатнашчилари сўнгги вақтда совет немисларини оқлаш юзасидан кўп иш қилинганлигини айтдилар. Бироқ бу йўлда кўпгина мураккаб муаммолар ҳал қилинмай қолмоқда.

2 миллионли халқнинг миллий мактаблари йўқлиги, немис тилида китоб нашр этиш камайганлиги, ягона адабий журнални чиқариш тўхтаб қолганлиги ҳақида ташвишланиб гапирилди. Совет немисларининг чет элга кетиб қолиши кўпайди, бунинг сабабларидан бири совет немислари давлатнинг йўқлигидир.

СССР Президенти мамлакатимизда немис халқига самимий ҳурмат билан муносабатда бўлинаётганлигини таъкидлади.

М. С. Горбачев СССР немислари съездини тайёрлаш ташкилот комитетига съезд муҳокамасига қўйиладиган масалаларни кўриб чиқишда муваффақият тилади.

Учрашувда Р. Н. Нишонов, В. К. Гусев, А. Н. Гиренко, РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари О. И. Лобов, Қозоғистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари З. Л. Федотова, Саратов вилоят Советининг раиси К. П. Муренин, Волгоград вилоят Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. И. Эгин қатнашдилар.

(ТАСС).

БУГУН 9 МАЙ — 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ ҰЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБА БАЙРАМИ

УНУТИЛМАС, МУҚАДДАС ЖАСОРАТ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Флотнинг қўмондонлик-сиёсий составига қарши, партия ва совет раҳбарларига қарши, зиёлиларнинг энг яхши вакилларига, миллионлаб совет кишиларига қарши қилинган қатағонлар катта миқёс касб этган эди. Бу қатағонлар армиямизни ва жамиятимизнинг анча кучсизланишига сабаб бўлди.

Фашистларга тегишли зарба бериш пухта ташкил этилмаганига ҳарбий стратегик аҳволга Сталин хато баҳо берганлиги ҳам сабаб бўлди. У 1941 йил ёзидаги разведка маълумотларига ишончсизлик билан қараган эди. Бу эса гитлерчилар сиқувини қайтаришга ҳар томонлама тайёргарлик кўришга халақит берди.

Урушнинг дастлабки давридаги Москва учун бўлган жанглар асосий воқеа бўлди. 1941—42 йил қиши мобайнида душманнинг йирик стратегик группировкаси тор-мор этилди. Москва остоналаридаги ғалаба гитлерчилар армиясининг енгилмаслиги тўғрисидаги афсонани пучга чиқарди. Фашистларнинг «яшин тезлигидаги уруш» тўғрисидаги режаларини йўққа чиқарди ва гитлерчиларга қарши коалициянинг ташкил топишини маълум даражада тезлаштирди.

Сталинград, Курск жангида ва Днепрни кечиб ўтишда немис-фашист қўшинлари тор-мор этилиши Улуғ Ватан урушида ва бутун Иккинчи жаҳон урушининг боришида бурилиш нуқтаси бўлди. Бунинг натижасида совет қўшинлари урушнинг боришида стратегик ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Душман барча жангларда мудофаага ўтишга мажбур бўлди. 1944 йил совет кишиларининг фронт ва фронт орқасидаги ҳақиқий қаҳрамонона жасорати йили бўлиб тарихга киради. Ана шу йили фашист босқинчилари мамлакатимиз тупроғидан бутунлай ҳайдаб чиқарилди. Қўшинларимиз ҳужумни давом эттира бориб, гитлерчиларни Польша, Чехословакия, Югославия, Австрия, Шимолий Норвегиядан ҳайдаб чиқардилар. Мислсиз Берлин операцияси натижасида фашистлар Германияси бутунлай тор-мор этилиши якунланди.

Буюк Ғалабанинг қудратли манбаларидан бири Иттифоқимиз халқларининг қардошларча байналмилал дўстлиги бўлди. Бу дўстлик

ҚУДРАТИМИЗ ДЎСТЛИКДА

гражданлар урушининг даҳшатли йилларида туғилиб, социализм қурилиши жараёнида синовдан ўтган эди. Бошқа миллат ва элатлар вакиллари қаторида Қизил Армия сафларида ўзбекистонлик ўғил-қизлар ҳам душманга қарши мардона курашдилар. Немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган жасорати учун 120 мингдан ортиқроқ ўзбекистонликлар орден ва медаллар билан тақдирланди, 300 дан ортиқ ўзбекистонлик жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди. Александр Матросовнинг ўлмас жасоратини такрорлаган Тўйчи Эрйигитов, Тоштемир Рустамов, Қудрат Суюновлар ўз номларини мислсиз шон-шуҳратга буркадилар. Москва остоналаридаги жангларда Нурилло Сиддиқов ва Дониёр Абдукаримов, Берлинни олишда Солиҳ Умаров, Алексей Голубенко ва бошқалар қаҳрамонона курашдилар.

Урушнинг суронли йилларида ўзбек халқи фақат фидокорона меҳнати билангина эмас, мамлакатнинг босиб олинган районларидан эвакуация қилинган юз минглаб кексалар ва болаларни ўз бағрига олиб, фронтга беминнат ёрдам кўрсатди.

Биз ўтган урушнинг аччиқ сабоқларини унутмаслигимиз керак. Урушга қарши уруш бошланганда эмас, балки уруш бошланмасдан олдинроқ курашиш керак. Бу ҳақиқат ҳозирги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳозирда давлатлар ташқи сиёсатининг асосий воситаси куч ишлатиш бўлиши мумкин эмаслигини эслатиб ўтиш керак. Биздан ҳарбий устунликка эга бўлишга интилувчилар йўқ эмас. Кўриб турибсизки, Қуролли Кучларимизни қайта қуриш шароитида жамиятимиз жаҳондаги вазиятни ҳисобга олиши керак. Бўлинмалар, қисмлар, қўшилмалар замонавий қуроллар билан жиҳозланиши, улар Ватан ҳимоясига шай ҳолда бўлиши керак.

Бахтга қарши бугунги кунда айрим ватандошларимиз ўз ақл-ҳушларини йиғиб олмаяптилар. Айниқса, ёшлар орасида нотўғри қарашлар кенг тарқалмоқда. Улар ўз Ватанларини қуролли ҳимоя қилишдан бош тортиб, амалда мамлакатимиз мудофаа қобилиятига зарар етказмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, туркистончи-жангчилар барча совет жангчилари қаторида ўз бурчларини сидқидилдан адо этиб, Ватанга садоқат билан хизмат қилмоқдалар. Халқимизнинг дўстона анъаналарини давом эттириб, уларни кўпайтиришга интилмоқдалар. Бизнинг энг яхши командирларимиз, ҳарбийсиёсий ходимларимиз орасида солдат ва сержантларни қардошларча дўстлик руҳида тарбияловчи кўпгина ўзбекистонликлар ҳам бор. Булар — подполковниклардан Б. Очилов, А. Каретников, А. Рашидов, майор Р. Эргашев, капитан М. Мирюнусов, катта лейтенант М. Мамадалиев, лейтенант А. Умаров ва бошқалардир. Туркистончи-жангчилар қудратимиз дўстликдалигини яхши биладилар. Чунки Ватан уруши йилларида иттифоқимиз халқларининг байналмилал дўстлиги, метиндек жипслиги алоҳида қуч билан намоён бўлди. Бу дўстлик, гитлерчилар устидан эришилган тарихий ғалабамизнинг асосий омили ва манбаи бўлиб хизмат қилди.

ЖУРНАЛИСТ НОМИ БЕРИЛДИ

Республикамиз жамоатчилиги орасида таниқли жангчи-журналист Самад Қодировни билмаган кишилар кам топилади. У умрининг сўнгги йилларида «Совет Ўзбекистони» ва «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномалари таҳририятларида ишлаб юрган кезларида қўриқ ер баҳодирлари, механизатор ва пахтакорлар, қуролдош дўстлари ҳақида кўплаб қизиқарли очерклар ёзган. Афсуски, бевақт ўлим дилкаш инсонни орамиздан бардвақт олиб кетди.

Халқ депутатлари Қарши район Кенгашининг шу йил 29 апрелдаги йиғилиши қарори билан «Совет Ўзбекистони» рўзномаси собиқ ходими Самад Қодировнинг номи абадийлаштирилди. Райондаги «Боғобод» қишлоқ Совети худудидаги 40-ўрта мактабга унинг номи берилди.

— Мен Самад Қодировни болалигидан яхши билардим, — дейди мактабнинг кекса ўқитувчиси Азим Раҳмонқулов. — 1925 йилда Тўқманғит қишлоғида туғилиб, вояга етган Самаджон Комсомол номли мактабда ўқиган эди. Жуда хушчақчақ, дўстларига меҳрибон, изланувчан, билимга чанқоқ киши эди. У изланиши туфайли таниқли журналист-ёзувчи бўлиб етишди. СССР Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзоси Самад Қодиров билан биз ҳамқишлоқлари ҳамон фахрланамиз.

Ҳа, Самад ака Қодиров кўпинча ҳарбий журналист сифатида тилга олинади. У 1944 йилнинг оловли кунларида фронтга отланган. 1950 йилгача совет қўшинлари сафида Германияда хизмат қилган. Фашизм устидан ғалабани таъминлашга ҳисса қўшган жангчилардан бири.

Жангчи-журналистни жумҳуриятимизнинг етакчи рўзномаси «Совет Ўзбекистони» муҳарририяти жамоаси жонкуяр, меҳнатсевар ва ажойиб дилкаш ходим сифатида ҳамон хотирлашади.

• *Фронт хотираларидан*

Мумтоз Муҳамедов Улуғ Ватан уруши жангтоҳларида ҳам қалам, ҳам қурол билан қатнашган ёзувчилардан. Халқимиз, кўп сонли адабиёт ихлосмандлари унинг «Кичик гарнизон», «Қаҳрамон изидан», «Душман билан юзма-юз» қиссаларини, «Абадият» ҳикоялар тўпламини ўқишади.

ГЕНЕРАЛ ҚАДРДОНИ

Киев шаҳрини гитлерчи фашистлардан озод қилишдан бир кун аввал Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали Ватутин олдинги марраларни айланиб юрарди. Вақт зиқ, қўшинлар жанговар ўт очишга тайёр бўлиб турган бир пайтда у эски қадрдони, 76 мм тўп взводи нишонловчиси сержант Абдусаттор Раҳимов билан суҳбатлашиб қолди.

Қўмондонга ҳамроҳ бўлиб юрганлар орасида машҳур сержант ҳақида қисса ёзмоқчи бўлган рус адиби, 2-Украина фронти газетасининг ҳарбий мухбири Сергей Смирнов ҳам бор эди. Кутилмагандаги бу суҳбат ёзувчига маъқул келди, айни муддао дея савол-жавобларни «қитир-қитир» блокнотига ёзиб олди:

— Янглишмасам, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини Днепрни кечиб ўтишда олган эдингиз, шундайми, сержант?

— Худди шундай, ўзингиз топширган эдингиз, ўрток генерал.

— Демак, ўшанга ҳам икки йилдан ортиқроқ вақт ўтипти, тўплар қалай, яхши отяптими?

— Унчаямас, айниқса термит снарядларга дош беролмаяпти, иккита-учта отгандан кейин стволи қизиб, тирс-тирс ёриляпти.

— «ЗИС-5»га алмаштириб берамиз.

— Ўрток генерал, сиздан илтимос, уруш тугагач, икки кунга бўлсаям мени Берлинга комендант қилиб қўйинг. Қачонгача гитлерчилар Европанинг киндигида ўтириб олиб, уруш оловини ёқадилар. Нега ўзбекларга ўхшаш меҳроқибатли, риоя-андишали, беозор бўлмайдилар. Нега бировларнинг юртига қилич кўтариб борасизлар, деб кўчама-кўча, уйма-уй юриб жар соламан!...

* * *

...Силсилали йиллар селдай оқиб ўтди. Кўнгилларда унинг заҳрию, зардоби қолди, ноҳақлик, ҳақлик олдида тиз чўкди. Юртимизда тинчлик, ғалабанинг нашъаю-наъмосини суриб келяпмиз. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек Абдусаттор ҳақида қисса ёзишни орзу қилган машҳур адиб, Ленин мукофоти лауреати Сергей Смирнов 1975 йили Наманганга ташриф буюрди.

У шаҳарнинг энг сўлим гўшаларидан бири — Саксонгазликка жойлашган уч қаватли меҳмонхонанинг ҳужраларидан бирида собиқ қуролдошлари билан гурунг қилиб ўтирибди... Суҳбат доираси кенг, адибга ҳамроҳ бўлиб келганлардан шоир, драматург Адҳам Раҳмат, жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими, жангчи шоир Назармат, обкомнинг ўша вақтдаги идеология бўйича котиби, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Турсун Рўзибоев ва камина...

Кун бўйи кўрган-кечирганларини хаёлида тиклаб ўтирган адиб қаҳрамони ҳақидаги қиссани Абдусаттор директор бўлган «Чортоқ» кинотеатридан бошлашини айтиб, суҳбатга файз киритди.

Абдусаттор кулимсираб турган ёзувчига тикилиб турди-да, бир нимани эслагандай, чўнтагига қўл солди. Вақт ўтиши билан анча уринган суратни олиб, Назарматга узатди. Орқасидаги дастхатга «ўқинг» ишорасини қилди. Ҳарбий йилларга оид суратда жангчиларнинг қақшатғич жангдан кейин ҳордиқ чиқараётганлари акс эттирилганди. Тўп нишонловчи сержант Абдусаттор Раҳимов аниқ кўзга ташланиб турарди. Ўнг томонда эса офицер шинелида, папақ кийган қотмагина киши кулиб турибди. Бу таниш сиймо суҳбатдошларнинг диққатини тортди.

— Сергей Сергеевич, бу сиз-ку, ахир, — деди Назармат ҳаяжонланиб.

— Сурат орқасидаги дастхатни ўқинг, — деди Абдусаттор қалин қора қошларини пешонасига тортиб.

Дастхат ҳаммага эшитириб ўқилди. «Уруш худоси» х, деб аталмиш артиллериячи тўп наводкачиси Абдусаттор Раҳимовга фронтдаги учрашувларимиз, келгусида ёзиладиган «Тоғлар билан ҳамнафас қаҳрамон» жангномаларимиз хотираси бўлсин деб ушбу суратни тақдим қилдим. Сергей Смирнов».

Сергей Смирнов қўлдан-қўлга ўтиб турган суратни кузата туриб деди:

— Бу суратни, суратдаги кишиларни ҳар қанча ардоқласак арзийди: шу тўп жангчилари Венгрия, Чехословакия чегараларида жойлашган Балатон кўли соҳилларидаги шиддатли жанглардан кейин дам олиб ўтиришган пайт.

— Ана шу жангда ҳам менинг жанговар дўстларим, тўп командири Михаил Завалишин, қулфловчи Асқат Хатиб, снаряд ўқ жойловчи Красивоснослар беқиёс жасорат кўрсатишган, — деб қўшиб қўйди Абдусаттор Раҳимов.

— Камтарлик қилма, ўша жангларда ҳаммадан кўра ўзинг зўр иш кўрсатган эдинг. Ҳатто генерал билан мулоқотда бўлгансан. Нега бу ҳақда ҳамшаҳарларингга ҳеч нарса демадинг, — дея бироз таажжубланди Смирнов.

Камтар, саммимий, дилкаш, хушфеъл адибнинг 30 йил бурунги воқеани эслаганидан Абдусатторнинг кўнгли тоғдек кўтарилди, кўзлари жиянгида севинч ёшлари қалқиди. Зеро, бу мулоқот, насиҳат ва ўгитлар... худди кечагидек ҳамон қулоғи остида жаранглаб турарди.

Афсуски, генералга Наманганни кўриш насиб этмади. У Киев учун бўлган жангларда ҳалок бўлди. Днепр қирғоғидаги ҳиёбонда мангу бош қўйган.

Сергей Смирнов эса, ўз қаҳрамонини кўрди-ю, Москвага қайтгач, қиссани ниҳоясига етказолмай дунёдан ўтди... Лекин унинг қутлуғ нияти изсиз қолмади. Абдусаттор ҳақида қаламкаш дўстлари мақола ва хотиралар ёздилар...

Мумтоз МУҲАМЕДОВ.

* Артиллериячиларни «уруш худоси» дейишарди... (Муаллиф).

У ЭСА ТИРИК ҚОЛГАНДИ...

Мен пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги Ҳамза маҳалласидаги катта бир йиғинда қатнашган эдим. Эътиборимни даврани бошқариб турган, қорачадан келган бир киши жалб қилди. У икки гапириб, бир кулар, йиғилганларнинг ҳаммасини бу ўтиришда яйрашини истар эди.

У ўрнидан турмоқчи бўлганда унинг иккала оёғи йўқлигини сездим. Кейинроқ у киши билан яқиндан танишиб, бир-биримизга қадрдон бўлиб кетдик. Қўлтиқтаёқли бу инсон — Абдулла ака Собиров эди. Улуғ Ватан уруши ноғирони, ўн саккиз ёшида оёғидан айрилиб, қўлтиқтаёққа суяниб қолган. Қўлтиқтаёқнинг ўзигагина эмас, одамларга суяниб яшайди у.

Абдулла ака ҳазил-ҳузулни, аскияни хуш кўрадиган, қувноқ одам. Унинг бу хислати ҳаётга муҳаббат билан қоришиб кетади.

— Шу кулгу мени ўлимдан сақлаб юради, — дейди Абдулла ака.

Абдулла 1924 йили Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келди. Эндигина ўнинчи синфни тугатганида ҳарбий хизматга чақирилди. 1944 йилнинг ёз ойларида Белоруссия тупроғида жангга кирди. Ҳали уруш нима эканлигини тузукроқ тушуниб етмаган ўспирин Смоленск-Витебск йўналишидаги оғир жангларда қатнашди.

Абдулла урушга кетганидан кейин бир йиллар чамаси вақт ўтгач, унинг ота-оналари Собир ака билан Замира хола фарзандларидан «қорахат» олишди.

«Қаҳрамонларча ҳалок бўлди...». Эҳ, бу ғам, бу ташвиш ота-она қаддини эгиб қўйди. Аслида эса... Жанг қизиб кетган 1944 йилнинг июлида Абдулла Собиров 961-полкнинг 1-рота 1-взводида взвод командири ёрдамчиси сифатида навбатдаги жангга киради. Ҳужумлардан бирида катта бир снаряд унинг ёнгинасида портлайди. Ҳушидан кетган ёш йигит нима бўлганини эслолмайди. Шунда олга кетиб қолган взвод командири уни ўлди деб ўйлаб, унинг ўйига «қорахат» жўнатган. Уйидагилар эса унга аза очишди. Аммо... Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деганларидек. Абдулла тирик қолганди. У тупроқ остида чалажон ҳолатда уч кун беҳуш ётди. Тупроққа қоришиб ётган юзларига ёққан ёмғирни ҳам сезмас, фақат лабларига томган томчиларни ямлаб тамшанарди, холос. Жангчини санитар ит топиб, медсанбатга судраб олиб келди. Уни аввал ҳарбий госпиталда даволадилар, сўнг Москвага олиб боришди. Унинг ўнг оёғи йўқ, чап оёғи ҳам яроқсиз ҳолда шалвираб ётарди. Докторлар чап оёғини ҳам кесиб ташлашни маслаҳат бердилар. Аммо у:

— Ёлбораман, жонсиз бўлса ҳам турсин, кесманглар! — деб кўнмади.

Совет жангчилари Берлин остоналарига қадам қўйган, ғалаба кунлари арафасида жангчи уйига кириб келди. Унинг кўксини I, II, III даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени ва қатор медаллар безаб турарди.

Абдулла ака хонадони қувончга тўлди.

— Бу уруш туфайли оёқларингдан ажралган бўлсанг ҳам, тирик экансан, болагинам! — деб кўз-ёш қилди Замира хола.

Аммо Абдулланинг юрагида, қонида ёшлик завқи тинмай жўш урарди. У ногиронман, деб уйда ётиб олгани йўқ. Соғлиғини тиклаб олгач, ўзи ўсиб-улғайган Охунбобоев номли колхозга ишга чиқиб кетди. То 1960 йилгача колхозда бухгалтерлик қилди. Ўзи севган қизга уйланди. Ўн фарзандли бўлди. Саккиз ўғил, икки қизнинг отаси Абдулла ака ота-боболаримиз айтганидек ували-жували бўлди. Уни 2000 хонадонли маҳалла аҳли бошига кўтаради, қадрлайди. Биронта йиғин, тўй-ҳашам Абдулла акасиз ўтмайди.

Тўлқин ИМОМХЎЖАЕВ.

ҚАЙДАСИЗ, ҚУРОЛДОШЛАР!

● 1941 йилда Ўзбекистонда 213-ўқчи дивизия ташкил этилган эди. Дивизия ўз жанговар йўлини Белгород областидан бошлади. Донецк, Украина, Румния, Польша, Германия, Чехословакия тупроғида бўлган жангларда қатнашди. Унинг таркибида турли миллат вакиллари, шу жумладан 2 мингга яқин ўзбеклар хизмат қилишган.

Ўқчи дивизия ветеранлар кенгаши ҳайъати полкдошларга мурожаат этиш билан бирга, ўзлари ҳақдаги маълумотлар ва уруш йилларидаги расмлар, ҳужжатлар, ҳарбий унвони, исм-шарифи, туғилган куни ва йили, 213-дивизияда қачондан-қачонгача ва қайси бўлинмада, қайси вазифада хизмат қилгани, уй адресини қуйидаги манзилгоҳга юборишларини сўрайди: 700000, Тошкент, Урицкий кўчаси, 29-уй, 13 квартира В. А. ФИЛИМАНОВИЧга.

● Акам Тўлаган Назаров 1920 йилда туғилган. 1940 йил 29 апрелда Келес ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

ССЖИ Мудофаа вазирлиги Марказий архиви берган маълумотга қараганда у 1944 йил 7 май куни жароҳатланган. Унинг кейинги тақдири бизга номаълум. У яралганидан сўнг қуролдош дўсти Аҳмат Болтабоевнинг бизга юборган хатида айтилишича, у акам Тўлаган Назаров билан 2-Болтиқбўйи фронтининг 65-гвардиячи ўқчи дивизиясининг 22-ўқчи полкида 1944 йил охиригача хизмат қилган. Акам бошидан оғир ярадор бўлганида уни Аҳмат Болтабоев медсанбатга олиб бориб ётқизган. У ўз хатида яқинда Тошкентга—Бешёғочга бораман, қолган гапни ўша ерда айтаман, деган эди. Лекин мактубда манзилгоҳ тўлиқ бўлмаганлиги учун, мана, 46 йилдирки, Болтабоевни излаб топа олмайман. Акамнинг қуролдоши Аҳмат Болтабоевга (агар у киши ҳаёт бўлса) ва акам билан бирга хизмат қилган бошқа қуролдошларга илтимосим: акам Тўлаган Назаровнинг тақдири ҳақида кўрган-билганларингизни қуйидаги адресга хабар қилсангиз: 487340 Қозоғистон ССР Чимкент вилояти, Келес ноҳияси, Обой қишлоғи. Ленин кўчаси, 1-проезд, 6-уй, НАЗАРОВ Зайниддинга.

Улуғ Ватан урушида кўрсатган мислсиз жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлардан бири — ҳамюртимиз Солиҳ ака Умаровдир.

Жумҳуриятимизда уни танимайдиган топилмаса керак. Чунки у урушнинг биринчи кунлариданоқ Ельна шаҳрида ўз фаолиятини батарея командирлигидан бошлаб жуда кўп қаҳрамонликлар кўрсатди. Ғалаба нашидасини Берлинда тотди. Жангу жадалларда қаҳрамонлик унвонидан бошқа олган орден ва медаллари кўкрагига зўрға сиғади.

Энг асосийси у ҳали соғломбақувват. Ҳар доим фронтдошлари, дўстлари, оиласи ва невара-чеваралари даврасида.

Мана шу ғалаба байрами арафасида Солиҳ ака 70 ёшга тўлдилар. Ушбу суратда фронтдош дўстлари С. Умаровни қутлуғ байрам билан муборакбод этишаётган қувончли лаҳза акс эттирилган.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

ЖАНГОҲЛАРДА БИТИЛГАН...

ГОРИЛЛА ЎРМОНИДА

Синган шохлар сочилиб ётар,
Қарағайлар ёқилган кўплаб.
Қуш, ҳайвонни қочирган хатар
Ёвдан қолган бузилган тўплар.

Уч ой бурун шу ердан тунда
Беш «Тил» тутдик разведка қилиб,
Қор анча кўп бўлган-чун бунда,
Жароҳатни бўлмасди билиб.

Фашист фақат одамга эмас,
Даҳшат солган ўрмонларга ҳам...
Жангга кириб оламиз қасос,
Ҳеч қолмайди юртда шум қадам!

Тўра ЖУМАН

1943 йил 9 июнь.
Курск.

• *Орден ва медаллар:*

ЎЗ ЭГАЛАРИНИ КУТЯПТИ

● Жангда нималар бўлмаган. Баъзан жангчи кўрсатган жасорати учун оладиган орден ёки медални тақишга улгурмай, ҳалок бўлади. Жангда яралланган киши госпиталга жўнатилади, у ердан даволаниб чиққач, бошқа ҳарбий қисмга юборилади. Шунинг оқибатида аввалги ҳарбий қисм билан алоқа узилиб қоладиган ҳоллар ҳам рўй берган, бунинг устига жангчи мукофотланганлигидан умуман бехабар қолган.

СССР Мудофаа вазирлиги кадрлар бош бошқармаси маълумотларига кўра немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалаба дамларида ўз соҳибларига тақдим этилмаган бир ярим миллионга яқин жанговар орден ва медаллар бор.

«Ветеран» деб номланган ҳафталик рўзномасининг ҳар бир сонида тақдим этилмай қолган орден ва медаллар эгаларининг рўйхати эълон қилиб борилмоқда.

Подольск шаҳридаги Марказий архивда бўлганимда марҳум жангчилар дафн этилган жойларни кўчириб ёзиб олиш билан бирга, ҳанузгача тақдим этилмаган орден ва медаллар соҳибларини ҳам аниқламоқдаман. Ҳозиргача 150 га яқин ўзбекистонликка уларга тегишли орден ва медаллар топширилди. Ўтган йили яна талайгина тақдим этилмаган орден ва медаллар эгаларини кутаётган экан. Улардан айримларини келтирамиз.

ТОШКЕНТ шаҳридан **Ғулом Эргашев** (1925 йилда туғилган, Дархон кўчасидан) 218-ўқчи дивизиясининг 1944 йил 30 октябрдаги буйруғи «Қизил Юлдуз» ордени билан, **Ҳалил Қодиров** (1914 йилда туғилган, Оқлон кўчасидан) 287-гвардиячи ўқчи полкнинг 1943 йил 9 августдаги буйруғига мувофиқ «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган.

ҚҚАССР дан **Саъдулла Абдуллаев** 924-артиллерия полкининг 1945 йил 1 Майдаги буйруғига биноан «Жасурлиги учун» медали билан, Андижон вилоятидан **Ваҳоб Муллажонов** (1920 йилда туғилган, Москва районидаги Сталин номли колхозидан) 16-армиянинг 1943 йил 29 июлдаги буйруғига асосан Александр Невский ордени билан тақдирланган.

БУХОРО вилоятидан **Бобоқул Абзалов** (1905 йилда туғилган, Вобкент районидан) 65-армиянинг 1943 йил 30 сентябрдаги буйруғига мувофиқ 1-даражали Ватан уруши ордени билан, Наманган областидан **Абдулла Эргашев** (1908 йилда туғилган, Чуст шаҳрининг М. Горький кўчасидан) 333-ўқчи дивизиянинг 1943 йил 20 декабрдаги буйруғига биноан, **Абдумалик Эргашев** (1924 йилда туғилган, Наманган районининг Қумқўрғон қишлоқ Советидан) 149-ўқчи дивизиянинг 1944 йил 12 августдаги буйруғига асосан, **Мирзаабдулла Давронов** (1924 йилда туғилган, Янгиқўрғон районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан) 30-ўқчи дивизиянинг 1945 йил 7 июлдаги буйруғига биноан «Қизил Юлдуз» орденига сазовор бўлишган.

ХОРАЗМ вилоятидан **Раҳим Маҳмудов** (1910 йилда туғилган, Хонқа районининг «Қизил байроқ» колхозидан) 60-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 1945 йил 10 мартдаги буйруғига асосан «Қизил Юлдуз» ордени билан;

ҚАШҚАДАРЁ вилоятидан **Зоир Зафаров**, У. Юсупов (районидан) 457-ўқчи полкнинг 1945 йил 10 июндаги буйруғига мувофиқ «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланишган.

Азиз уруш ветеранлари! Рўйхатни синчковлик билан кўриб чиқинг. Эҳтимол айрим орден ва медаллар урушдан кейинги вақтда тақдим этилгандир. Баъзилари эса ҳамон ўз эгасини кутаётгандир. Орден медалларнинг эгалари урушда ҳалок бўлган бўлишса ёки урушдан орттирилган жароҳат туфайли оилалари бағрида вафот этишган бўлишса, мукофотлар эсдалик учун ота-оналарига ёки фарзандларига тақдим этилади. Мамлакатимиз, республикамиз ва областда биринчи «Хотира» китоблари вужудга келаётган шу кунларда орден ва медаллар тақдим этилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу масалада қуйидаги адресга — менга мурожаат қилишингизни илтимос қиламан: **Тошкент вилояти, Пискент шаҳри, Бобур кўчаси, 93 уй. Мажид САМАДОВга.**

• Президент Фармони қандай бажарилянти?

Наманган вилоятида шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси ташкил топганига бир йил бўлмасданоқ унинг фаолияти кўпчиликни қизиқтириб қолди. Айниқса баҳорги экин-тикин ишлари авж олган шу кунларда шахсий томорқа эгалари ушбу уюшмага қандай аъзо бўлиш ва унинг афзалликлари ҳақида кўпроқ суриштириб қолишди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ.

ШАХСИЙ ХЎЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

Уюшма фаолияти барча меҳнаткашлар, айниқса тасарруфида шахсий ёрдамчи хўжаликлари бўлган кишилар учун қўл келмоқда. Негаки, шахсий томорқаларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уларнинг эгалари эндиликда мана шу уюшма орқали келишилган нархда, энг муҳими ўз вақтида сотиш имкониятига эга бўлдилар.

Уюшма вилоят агросаноат-кооператив бирлашмаси базасида ташкил топган бўлиб, айни пайтда вилоятдаги 11 та районнинг ҳаммасида унинг бўлимлари ишлаб турибди. Шу кунга қадар уюшма аъзоларининг сони 25 минг нафардан ҳам ортиб кетди. Хўш, унинг қисқа вақт ичида шу қадар кенг оммалашиб кетишининг боиси нимада?

— Аввало бизнинг фаолиятимиз қишлоқ меҳнаткашлари манфаатларига тўла мос тушганлигида бўлса, иккинчидан уюшма ходимлари жойларда ишни оқилона ташкил этаётганлиги натижасидир — дейди биз билан суҳбатда вилоят шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси раиси Авазхон Тожибоев. — Биз турли касбдаги одамларга ўзларининг шахсий томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нафақат сотишда, балки маҳсулот турларини кўпайтириш ва шу йўл билан озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга оз бўлса-да ҳисса қўшиш, томорқалардан олинаётган ялпи даромадни ошириш, ортиқча ишчи кучларини фойдали меҳнатга жалб қилиш, пировард натижада ернинг чинакам соҳибларини тарбиялаш каби қатор тадбирларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бундан ташқари шахсий ёрдамчи хўжаликларда деҳқончилик сирасторини ўрганиш ва маданиятини ривожлантириш билан бирга наслдор чорва ва паррандаларни кўпайтириш, аъло навли турли хил мева қўчатларини етиштириш, умуман замонавий илғор фан-техника тараққиётини шахсий хўжаликларда ҳам кенг жорий этиш ишларига алоҳида эътибор беряпмиз. Ўтган йилнинг ўзида уюшма томонидан шахсий хўжаликлардан 300 тонна мева-сабзавот, 30 тонна гўшт олиниб давлатга сотилди. 50 нафар аёл ишлайдиган қуён терисидан телпак тикиш цехи ишга туширилди. Якка тартибдаги хўжаликларда консерва тайёрлаш йўлга қўйилди. Булар айни пайтда биз бошлаган ишларнинг бир қисми, холос. Ҳали қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган имкониятлар кўп.

Ҳақиқатан ҳам бу гапларни эшитиб ўйланиб қоласан киши. Ҳолбуки, жумҳуриятимиз Президенти Фармонига асосан аҳолига уй-жой ва томорқа учун минг гектар ер ажратилди. Бироқ унинг аксариятидан самарали фойдаланилмаяпти. Зеро, табиатимиз, она заминимиз саховатга бой. Ундан тадбиркорлик билан оқилона фойдаланиш лозим. Наманган вилояти шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмасининг бу борадаги фаолияти диққатга сазовордир.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭРТАНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИДАН РЕПОРТАЖ

Эртанги кунимизни қандай кўра оламиз. Ундан умид қилишимизга асос борми? Бунинг учун тайёргарлигимиз, иш дастуримиз қандай бўлиши керак? Вазирлик ўз ҳайъатида худди шу — жумҳурият олий ўқув юртларида юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг ҳолати ва тадбирлари хусусидаги масалани кўриб чиқди.

Бугун мактаб партасида ўтирган, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ҳар бир йигит-қиз эртанинг машҳур кишилари, фидойилари бўлиб етишиши мумкин. Бунинг учун уларга яратилаётган шароит ҳар томонлама тўла-тўкис ва мукаммал бўлишини тақозо этади. Шундай экан, илмий иш қилишга интилаётган ҳар бир ёш доимий эътиборда бўлиши керак.

Кейинги пайтда стажер-тадқиқотчи ёшларнинг сафи ортиб боряпти. Жумладан, ўтган йилга нисбатан стажер-тадқиқотчи лавозимига ўтказиш режаси 254 дан 337 кишига, илмий ходим лавозимига эса 58 кишидан 81 кишига кўпайди. Аспирантура, докторантурада таҳсил олаётганлар сафи ўсиб боряпти. Ўтган йили марказий олий ўқув юртларига ҳамда илмий-текшириш институтларига 86 докторант ва аспирант жўнатилди.

Замон бу соҳадаги ишни янада такомиллаштиришга ундамоқда. Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти Тошкент давлат дорилфунуни қошидаги Шарқшуносликлар институти базасида хорижий ўқув ва илмий марказларда ўқиш ҳамда ишлаш учун қабул қилинган резервларнинг тил тайёргарлиги жумҳурият маркази ташкил этилмоқда.

Америка Қўшма Штатлари, Германия, Хитой, Туркия, Миср, Иордания дорилфунунларининг кўпчилиги билан тўғридан-тўғри алоқа мустаҳкамланиб бормоқда, биргина ўтган йилнинг ўзида вазирлик томонидан 221 киши хорижга юборилди.

Ривожланган капиталистик мамлакатлар илмий марказларида шуғулланиш ҳар бир ёшда масъулият юклайди. Шу йилнинг ўзида 35 ёшгача 40 нафар ёш олим ана шундай изланишларини давом эттириш учун танлаб олинди. Шу билан бирга докторлик ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш учун янги мутахассисликларнинг илмий кенгашларини очиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлик ҳайъати аъзолари, олий ўқув юртларининг раҳбарлари етук мутахассислар тайёрлаш борасида йўл қўйилаётган нуқсонлар хусусида рўй-рост кенгашдилар. Бу муаммони бартараф этиш йўлини қидирдилар. Ҳақиқатан кейинги йилларда фан докторлари тайёрлаш ишлари суст олиб борилмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин: жумҳурият олий ўқув юртларида 383 фан доктори мавжуд, бу профессор-ўқитувчилар умумий сонининг 3,3 фоизини, фан номзодлари эса 43,9 фоизни ташкил этади. Самарқанд давлат дорилфунунида эса фан докторлари 5, 6 ва Тошкент давлат дорилфунунида эса 5,2 фоизни ташкил этади, холос. Бу кўрсаткич Ўзбекистон Фанлар академиясидан (7,4 фоиз) паст, марказий олий ўқув юртлари ва мамлакат илмий-текшириш институтларига таққослашнинг ўзи хижолатли.

Олий ўқув юртларида фан докторлари ўртача ёши тобора ортиб бораётир. 383 фан докторининг фақат икки нафаригина 40 ёшгачадир. Умуман, 50 ёшгача бўлган фан докторлари умумий миқдорининг 22,5 фоизини ташкил этади.

Нега шундай бўляпти? Бунинг сабаблари кўп. Шу билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Тўғри, айрим олий ўқув юртлари ёш истиқболли фан докторлари тайёрлаш учун бор имкониятдан тўғри фойдаланмаяпти. Тошкент давлат дорилфунунида ўтган йили 6 киши ўрнига 5 киши қабул қилинди. Марказий олий ўқув юртларида ва илмий тадқиқот институтларидаги 34 ўринга ТошДДдан режадаги 7 докторант ўрнига 3 нафари юборилди. Самарқанд давлат дорилфунунидан эса марказий олий ўқув юртларига бирорта ҳам докторант юборилмади, бундай ҳолатни Андижон Давлат тиллар педагогика институтида ҳам кўриш мумкин. Олий ўқув юртларида фан номзодлари тайёрлаш ишида ҳам шундай оқсаш юз бераётир.

Аспирантурада ўқитишнинг самараси йилдан-йилга паст бўлиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Аспирантлар илмий ишларини муддатида ҳимоя қила олмаётирлар. 1990 йили вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртларини 752 йигит-қиз имтиёзли диплом билан битирди. Уларнинг 130 нафари жумҳурият аспирантурасига, 27 йигит-қиз эса марказий олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари аспирантураларига юборилди. 85 аълочи талаба стажер-тадқиқотчи сифатида иш олиб бораётир.

Шу ўринда муаммо туғилади. Марказий олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларига қабул қилинган стажер-тадқиқотчилар худди шу даргоҳнинг илмий ишланмалари, ечимлари, муаммоларини ҳал этишда иштирок этадилар. Бозор иқтисодиётига ўтилгач, мазкур олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари ҳар бир докторант ва аспирант учун маблағ ўтказишни талаб қилмоқдалар.

Жумҳурият олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. Алимов бу муаммо хусусида алоҳида тўхталди:

Жумҳуриятимизнинг ўзида ана шундай докторантуралар очишнинг пайти келди! Бу жумҳуриятнинг ўзига ҳам, ҳимоячи учун ҳам енгиллик туғдиради. Ахир етарли илмий кучларга эгамиз-ку!

Фарғона давлат дорилфунуни ректори М. Қорабоев олий ўқув юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий лабораторияларни кенгайтириш, уларнинг жиҳозланишига эътибор бериш, талабаларда илмий ишга қизиқишни аудиториянинг ўзида шакллантириш муаммоларига қаратди. Шу билан бирга ҳар бир олий ўқув юртига илмий тўпламлар нашр этиш мақоми берилиши зарур.

Истеъдодли ёшлар орамизда. Уларни қидириб топиб, ҳар бирига ғамхўрлик қила олсаккина эртанинг юлдузларини тарбиялаган бўламиз.

М. ПИРМАТОВ.

ЕР ЕРНИ ҚАРАГАННИКИ

Сирдарё вилоятида ўтказилган йиғинлардан бирида Обид бобонинг томорқа хўжалиги яхшилар қаторида тилга олинди.

Обид Йўлдошев онласи бундан 55 йил муқаддам Тошкентдан Мирзачўлга кўчиб келганди. Мирзачўлни ўзлаштиришда фаол қатнашди. Кўп йиллар бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Шу билан бирга шахсий ёрдамчи хўжалигини ҳам ривожлантирди. Отахон ўз ҳовлисидан йил бўйи бир неча марта мўл ҳосил олади.

— Дадам бир кам саксонга кирдилар, — дейди келини Мавлуда Обидова.— Лекин ҳовлимиздаги асосий ишларни ҳалиям ўзлари бажарадилар. Бир йилда 5—6 минг сўмга етказиб даромад оламиз. Кўпгина қўшниларга бепул кўчат берадилар.

Бу йил бобо ҳовлига бодринг, қовун, картошка, карам экибди. Қулупнай ҳам анчагина. Яна помидор, пиёз, саримсоқ пиёз, сабзи ҳам бор.

Бу ерда токлару мевали дарахтлар ҳам талайгина. Мавлудахоннинг айтишича, Обид бобо тоғ узумини яхши кўради. Ҳусайнини то шу кунларгача сақлаб келади.

Жамол ота Миразимов ҳам 1938 йилда Мирзачўлни ўзлаштириш учун кўчиб келган. Ўша йиллари чўлда шахсий хонадон учун 25 сотихдан ер берилар эди. Унинг беш сотихига уй-жой қуришди, қолган қисмидан эса ҳар йили 8—10 минг сўмдан даромад олиб келишмоқда. Бу йил ҳам отахон онласи ўн ариқ эртаки бодринг, икки ариқ қовун эккан. Қолган 5—6 сотих ерда эса сабзи етиштираётир.

Умуман, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Расул Холмуҳамедов номли кўчасида истиқомат қилаётган кўпгина кишиларнинг ҳар қарич ер қадрига етиб, шахсий томорқаларидан мўмай даромад олаётганлари қувончли ҳолдир.

Шу хўжаликдаги «Ўзбекистон ССР 10 йиллиги» участкасида ҳам тадбиркор одамлар бор. Қувондиқ Шеров Гулистон шаҳрининг тижорат марказида ишлайди. Унга уй-жой қуриш учун 16 сотих ер ажратиб берилибди. Тадбиркор йигит кичкина бир хона қуриб олиб, онласи билан кўчиб келибди. Вақтни бой бермай, олма, шафтоли, тут, узум кўчатларини экибди. Шунингдек, ҳовлисида картошка, сабзи, бодринг етиштирмоқда.

Лекин унинг ёнидаги ҳувиллаб ётган жойни кўриб ажабландик. Ҳали уй-жой қуриш учун уриниш ҳам сезилмайди. Ҳовлига маҳаллий ўғит сепиб қўйилган. Эгасини сўрасак, бу ер Илҳом Норбоевга тегишли экан. Аввало, бу меҳнаткаш оилага янги уй-жой қуриш учун ер берилгани яхши. Чунки тўрт нафар ўғилни уйли-жойли қилиш — ота-онанинг орзуси. Аммо хўжалик томонидан берилган бу жойни йил мобайнида эътиборсиз ташлаб қўйиш инсофданми?

Шунингдек, янги жой олган С. Раҳимов номли совхоз бухгалтери Баҳодир Маматмуродов, шофёр Азизов ҳовлига қарашга вақт топа олмаётганга ўхшайдилар.

Афсуски, жамоа хўжалигида бундай мисоллар оз эмас. Биз Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Исоқул Қўшбоқов, Чолтўқай қишлоқ Кенгаши раиси Норбой Иброҳимов билан якка тартибда уй қураётганларга ер ажратиш муаммолари хусусида суҳбатлашдик.

Сўнгги икки йил, яъни 1988—1989 йиллар мобайнида жамоа хўжалиги меҳнаткашлари учун жумҳуриятимиз Президентининг Фармони асосида (одамлардан тушган аризаларга кўра) 33,5 гектар ер ажратилибди. Натижада 186 киши ўз томорқасига эга бўлган. Ҳозир 24,5 гектар, кузда эса (ерлар экиндан бўшагандан сўнг) яна 25 гектар майдон ана шу мақсад учун ажратилади.

Лекин шахсий хўжалик учун ажратилган ерларга одамлар қандай муносабатда бўлмоқдалар — ҳозир бу муаммо ҳеч кимни қизиқтирмаётганга ўхшайди. Қишлоқ Кенгаши раҳбарларининг айтишича, хўжаликнинг «Қозоқовул» ва 1-участкаларида одамлар ўз шахсий томорқаларига эътибор билан қараётган эмишлар. Аммо биз «Ўзбекистон ССР 10 йиллиги» участкасида бундай муносабатни кўрмадик. Хўжаликнинг шу участкасидаги 6,5 гектарлик бедазор ўтган йили 43 оилага бўлиб берилган эди. Бу ерда беда кўкариб ётибди, холос. Биров уйининг пойдеворини, кимдир эса деворини кўтариб қўйган, биров тош тўкиб қўйибди. Лекин, бундайлар ҳам озчиликни ташкил этади. Энг ачинарлиси, баъзи бир ҳаккам-дуккам жойларни ҳисобга олмаганда, ер эгалари ердан оқилона фойдаланиш ташвишини чекаётганлари йўқ. Қишлоқ Кенгаши раиси Н. Иброҳимов эса ерга нисбатан бепарво муносабатда бўлаётган бундай кишиларга нисбатан талабчанлик қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаяпти.

Шу йилнинг февраль ойида қишлоқ Кенгаши қошида шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси тузилиб, унга Ҳайрулла Зайнуллаев раис этиб сайланди. Унинг таъкидлашича, ҳозирча бу уюшмада 450 аъзо бор.

Хўжаликда олти мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли сони ҳам, янги оилалар ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Шундай шароитда хўжалик ўз экин-зорларини одамларга шахсий томорқа сифатида ажратиб бераётган экан, ундан унумли фойдаланмаслик, бу жумҳурият мулкига бўлган ҳурматсизликдир! Бундай нохуш кайфиятга аввало қишлоқ Кенгаши, қолаверса, хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилоти ҳамкорликда барҳам беришлари керак. Шу ўринда, бизнингча, ер сўраб ариза ёзаётган кишилардан участкадан унумли ва самарали фойдаланиш тўғрисида кафолатнома ҳам талаб қилинса, айни муддао бўларди. Чунки қўпгина одамлар ўзларига берилаётган бебаҳо бойлик — ерга нисбатан енгил-елпи муносабатда бўлмоқдалар. Зеро, бу муаммо биргина мазкур хўжалик учунгина эмас, балки Сирдарё райони, бутун қўриқ вилоят учун ҳам хосдир.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — МУЛОҚОТ ЙЎЛИ

ҚАШҚА ВОҲАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Буюк ипак йўли халқарс экспедицияси қатнашчилари 7 май куни Қашқа воҳасига етиб келдилар. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан вакилларни жамлаган бу экспедиция дастлабки танишувни қўриқ воҳанинг тарихий Ёрқўрғон қалъасидан бошлади. Бунинг ўз рамзий маъноси бор. Қарши шаҳри билан Косон ўрталиғида жойлашган Ёрқўрғон қалъасининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Археологларнинг таъкидлашича, шаҳар эрамиздан олдинги VI асрда қурилган. Унинг ҳудуди 50 гектарни ташкил этади.

Ёрқўрғон Буюк ипак йўлининг савдо-сотиқ, тижорат билан шуғулланган карвонлари ўтмишда бу ерда тўхтаб ўтганлар. Қадимий қўрғон неча-неча жангу-жадаллардан омон қолган. Эндиликда ўлкашунос археологлар бу кўҳна ёдгорликнинг очилмаган сир-асрорларини илмий жиҳатдан ўрганмоқдалар.

Меҳмонлар орасида жаҳоннинг 20 га яқин мамлакатидан, жумладан Германия, АҚШ, Япония, Хитой, Франция, Туркия, Англия каби тараққий этган хорижий давлатларнинг таниқли археолог олимлари, тарихчи, қомусчи, ёзувчи, шоир, маданият арбоблари бор. Бу экспедицияга ЮНЕСКО бош директорининг муовини, олим ва жамоат арбоби Дуду Дьен, мамлакатимиздан эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. Асқаров етакчилик қилмоқдалар.

Экспедиция қатнашчиларининг таъкидлашича, Қашқадарё Буюк ипак йўлини — Европа билан Осиёни бирбирига боғлаб турадиган гўшалардан саналади. Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор каби тарихий жойларда карвонсаройлар, савдо ва тижорат аҳли учун йирик марказ бўлган. Шаҳрисабзнинг буюк саркарда Амир Темур бунёд этган тарихий обидалари — Оқсарой, Дорут Тиловат, Дорус-Саодат ҳозир ҳам ЮНЕСКО тасарруфига олинган.

Буюк ипак йўли экспедицияси қатнашчиларида Қашқа воҳаси бўйлаб қилинган сафар, халқ билан юзма-юз учрашувлар катта таассурот қолдирди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Жалолқудуқ районидаги Т. Тошматов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари кузда 83 гектар майдонга озуқабоп оралиқ экинлари экишганди. Айни кунларда яшил озуқани йиғиштириб олиш қизғин бормоқда. Қувонарлиси шуки, ҳосилдорлик мўлжалдагидан анча юқори, яъни гектар ҳисобига 250—300 центнерни ташкил этаётир.

Ферма бошлағич партия ташкилоти котиби Нигорахон Исмоилована ҳамма танийди. Пешқадам соғувчи ўз боқимидаги сигирларни меҳр билан парваришлаб, кунига 10—11 килограммдан сут соғиб олишга эришаётир.

Суратларда: 1. Пешқадам соғувчи Нигорахон Исмоилова. 2. Бош агроном А. Мадаминов, хўжалик партия қўмитаси котиби Б. Низомиддинов ва ижарачи Б. Қўлдошев.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЗАВОДДА ДАРС

Андижондаги «Коммунар» заводида ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий тафаккурини ривожлантириш мақсадида ижтимоий психология, иқтисодиётни бошқариш ва ҳуқуқий маълумот бериш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

— Иқтисодий масалаларни, инсон руҳиятини ва ҳуқуқий нормаларни яхши билмай туриб бозор иқтисодиёти шароитида самарали ишлаш қийин, — дейди завод кадрлар тайёрлаш бўлимининг бошлиғи Зоҳиджон Бўронов. — Шунинг учун ҳам ходимлар ўртасида машғулотларга қизиқиш ортиб бормоқда. Тўғриси, шундай бўлиши ҳам керак. Бундан буён корхонамизнинг истиқболи ходимларнинг тафаккурига бевосита боғлиқ бўлиб қолади.

Бу тушунарли. Истиқболни ўйламаслик, албатта, инқирозга олиб келади. Заводда машғулотлар тугагач, ходимлар ўзига хос аттестациядан ўтказилиб, тегишли лавозимларга тайинланади.

Хўш, дастлабки натижалар қандай? Бу ҳақда ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Аммо заводда олдингидек баҳс-чақирлар камайгани шундоққина сезилиб турибди. Жумладан, бевосита ҳар куни ишчилар билан мулоқотда бўладиган мастерлар иш услубида ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Корхонанинг кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш участкасида янги буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш муддати қисқариб бораётганини баъзилар иқтисодий-ижтимоий тафаккурнинг ошиб бораётганлигига боғлашмоқда. Шундай экан, иқтисодий ислоҳот талаби билан «Коммунар» заводида бошланган ушбу тажрибани бошқа корхоналарда қўллаш бугунги кунда айни муддао бўлур эди.

К. НИШОНОВ,
Андижон вилояти.

КАРВОНГА КАТТА ЮК ЯРАШИҚЛИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Айтиб қўяқолайлик: вилоятда ҳар йили ўртача 140 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқариладиган бўлса, бу хом ашёнинг юздан бир фоизини Жарқўрғондаги ип йигирув-тўқув фабрикаси қайта ишлаши мумкин. Бу фабрика ҳам аслида... хом ашё етиштиради.

Гапнинг сираси — ишсизлар бор, қўлидан иш келадиган одам эса кам. Парварда пишириш цехи ҳам саноатми!

Энди даврани кенгроқ олиб, бафуржа мулоҳаза юритсак. Енгил саноат корхонаси деб аталиши мумкин бўлган Жарқўрғон фабрикасида пахта толасидан ип йигирилади ва мато (чит) тўқилади. Ип — хом ашё. Лекин тўқилган тайёр мато нега хом ашё бўлар экан? Фабрика матони тўғридан-тўғри истеъмолчиларга чиқариб қўя қолса бўлавермайдими, дерсиз. Чиқара олмайди. Чунки бўёқ босилмаган матони сотувга чиқариб бўлмайди. Шунинг учун мато хом ашё сифатида Бухоро тўқимачилик комбинатининг бўяш корхонасига жўнатилади.

Очиқ кўнгиллилик билан қилинган ўзаро ҳамкорлик —қутлуғ иш. Таассуфки, тўқимачилар етти йилдан буён (Жарқўрғондаги фабрика ишга тушгандан буён) бу ҳамкорликка ёвқараш қилиб келадилар. Жарқўрғонликлар мато тўқишдан йилига 700 минг сўмлаб иқтисодий зарар кўришяпти. Улар, бухоролик ҳамкасблари матога гул босгач, биздан сотиб олган нархга уч баравар устама қўйиб ҳузурини кўришяпти, «ҳузур»ни баҳам кўрайлик, ҳеч бўлмаганда матомизнинг бир бўлагини бўёқ босиб ўзимизга қайтаринглар дейишмоқда. Бунга ўхшаш сўров, илтимос-расмий талабларга бўёқ босувчилар парво қилишмаётгани матоچиларнинг баттар ғашини келтирмоқда.

Бу мунозарага одилона ҳакамлик қилишни биз республика Енгил саноат вазирлигига ҳавола қилсак-да, масаланинг бошқа жиҳатларига назар ташласак.

Ҳамкорлик кўнгилларини тўлдирмаптими? Нега бўлмаса жарқўрғонлик тўқимачилар матога ўзлари бўёқ босмайдилар?

— Катта карвонга катта юк ярашиқли, — дейди фабрика директори Маматёқуб Маҳмудов. — Биз тилга олиб турган тармоқда эса карвон ҳам, деярли юк ҳам йўқ. Нима демоқчиман? Мабодо, бизга ҳам бўёқ босадиган корхона қуриб берингилар, деган талабни қўядиган бўлсак, тўқиётган бир ҳовуч матоларингга бунақа корхона чикора, дейишлари турган гап. Билсангиз, Бухородаги корхона йилига 120 миллион метр матога ранг босиш қувватига эга. Бизда (ва умуман вилоятимизда) тўқилаётган мато эса 8 миллион метрдан ошмайди. Шундай бўлгач... юкни — мато тайёрлаб чиқаришни ҳам кўпайтирмоқ керак. Мана, Сариосиёда тўқимачилик фабрикаси қуриш режалаштирилаётган экан-ку! Энди сизга бир сирни айтай, — дейди директор кўксини столга тираб. — Фабрикамиз ишга тушган-у, учинчи сменамиз ишламайди. Чунки ишчи етишмайди. Вилоятимизда ўтиздан ортиқ ҳунар-техника билим юрти бор. Билганлари тракторчилик, сут соғувчилик ва нари борса, гишт терувчилик. Енгил саноатга ишчи тайёрлашга ҳеч ким қарамайди. Шундай бўлгач... Маҳмудовнинг «шундай бўлгач» деган ибора билан хотималанган гаплари қулоғига етгач, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Эргаш Ўроқов ўтирган ўрнидан туриб кетгудек бўлди.

— Ўша директор, марҳамат қилиб, олдин биз билан гаплашсин, — деди у. — Манави база, манави шартнома биздан, фалон малакали ишчини ўқитиш сиздан, десин. Айтганини қилмасак, кейин ўпкаласин. Тўғри, талабаларни кўпроқ тракторчиликка ўқитаётганимиз рост гап. Лекин вилоятда енгил саноатнинг ўзи тирноқча бўлса, бунинг устига боя айтганимдай, ўқув базасидан ва шартномадан нишона кўринмаса... ўзи режалаштириш ишларимизнинг пачағи чиқиб кетган-да. Мен-ку, ўша фабрикада бўлмаганман. Ўйлашимча, у ерда ишчилар ётоқхонаси йўқдир. Уй-жой таъминоти, бошқа шароитлар ёмондир. Одатда корхона қурамиз-да: «Ма ол, Ишлаб, режани бажар» деб тураверамиз.

Бу гап туртки бўлиб, яна фабрикага қайтиб бордим. Қизиғи шундаки, Ўроқовнинг тахминлари деярли тўғри бўлиб чиқди. 200 ўринли ишчилар ётоқхонаси энди (фабриканинг ишлай бошлаганига 7 йил тўлганини эслатиб ўтганмиз) қуриб битказилипти. Директор ўринбосари Маҳмуд Тўрамуродовнинг айтишича, учта уй асосан инженер-техник ходимларга (ишчиларга эмас) берилган. Ишчилар ошхона хизматидан қаноатланмаётган экан. Ваҳолонки, бу фабрика — вилоятда кўзга суртса арзигулик корхона.

Эътибор қилинг: вилоят ҳар йили 140 минг тонна у ёқда турсин, бўш турган сменани ишга тушириш ҳам катта муаммо бўлиб қолмоқда.

Бирон жойда фабрика ёки завод қуриш ҳақида таклифлар билдирилганда илгари бу қурилиш фалон гектар пахтазоримизни қисқартиради, деган мулоҳазалар устун келарди. Ваҳолонки, бугунги муносабатлар бошқача. Эндиликда вилоят раҳбарияти бизга замонавий енгил саноат корхоналари лозим, деб рикасига кўп йиллардан буён ишчи кучи етмай турипти-ю, янги корхонага ишчиларни қандай топиб берасизлар (жинси кийим-кечак корхонасига минг ишчи керак), — деган мулоҳазасига бирон киши «ишчи топилади» деб жавоб беролмагани кўнгилсиз бўлди.

Кўряпсизми, гап яна малакали ишчилар камлиги муаммосига келиб тақаляпти. Суриштирсангиз, вилоятда 40 минг атрофида ишсиз бор. Бошқача айтганда, ишга талабгорлар кўп. Лекин қўлидан иш келадиган одам — замонавий машиналарнинг тилини биладигани кам.

Хўш, ишни нимадан бошламоқ керак? Бир қарашда яхши тадбирлар аллақачон бошлаб юборилганга ўхшайди. Ишчиларни йирик саноат корхоналарига касб ўргатишга юбориш тажрибаси қўлланилмоқда. Вилоятдаги айрим корхоналар қўшни Афғонистон жумҳуриятининг Балх вилояти корхоналари билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўймоқчи. Лекин, Маҳмудов боя айтиб ўтганидек, бугунги муаммоларимизнинг оғирлигини тортиш учун катта карвонлар керак. Қамровни, кўламни кенгроқ олмоқ керак.

Мавриди келганда мавзуга вилоят маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи Турсунпўлат Салоҳиддинов билан бўлган суҳбатни илова қилмоқчиман. Унинг айтишича, бу йил бошқарма 10,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқчи. Бошқарманинг халқ ҳунармандчилигини тиклаш йўлидаги юмушлари дуруст. Бойсун ва Шерободдаги мисгарлик устахоналарининг, Сариосиёдаги гилам, саккиз тепкили атлас тўқиш цехлари, тегирмонлар, жувозларнинг иши юришиб кетди. Парварда, новвот пишириляпти.

— Бизга ҳимо қилиб турсалар бас. Ҳозиргидан 1,5—2 баравар кўп маҳсулот тайёрлашимиз мумкин, — дейди Салоҳиддинов.

Бошқарма хайрли ишларга қўл урриптими, омади чопсин, деймиз. Лекин вилоят ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Парда Шометовнинг «новвоту парварда пишириш, аёллар камзули-ю помидор консерваси тайёрлаш билан ёки кунига уч метр атлас тўқийдиган цех билан узоққа бориб бўлмайди», деган гапини эсласак, узоқни фақат катта карвонлар кўзлай олади, деган гап хаёлдан ўтади.

Бу ўринда биз, фалон жойда у заводни, фалон жойда бу фабрикани тезроқ қура бошлаш керак, деган таклифни ўртага ташлашга шошилаётганимиз йўқ. Эҳтимол, ишни оддий нарсалардан, масалан, Жарқўрғондаги фабриканинг учинчи сменасини ишга қўшишга ўхшаш муаммоларни Москва ёки Тошкентдаги идораларнинг аралашувисиз ҳал этишга киришишдан бошламоқ лозимдир. Биз оғиз тўлдириб «фабрика» деб атайдиган корхона хом ашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши кераклигини обдон ўйлаб иш тутиш лозимдир, эҳтимол. Нима бўлганда ҳам тор қамров билан энди иш битмайди. Бу хусусда чуқурроқ мулоҳаза юритиш, бозор иқтисодиёти эҳтиёжларини, республика мустақиллиги талабларини ҳам назарга олиш лозим. Енгил саноат маҳсулотлари Сурхондарё вилоятида фақат 2 фоиз билан ҳисобланиши, барибир кишига эриш туюлади. Шундай эмасми?

Олимжон УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Пиру-бадавлатларимиз*

ЁШИМГА ЕТИНГ, БОЛАЖОНЛАРИМ

«Нурлиқуёш» давлат хўжалигида Уя қишлоғи бор. Бу ерда ажойиб одамлар кўп. Табаррук отахонлар, мунис онахонлар ҳурмат ва иззатда. Ғамхўр фарзандлар ҳамда дилбанд элатлар қуршовида эъзозли ҳаёт кечирмоқдалар. Шулардан бири табаррук онахонимиз — аср тенгдоши Зийнат момонинг табаррук умрига ҳам кўпчилик ҳавас қилади.

Зийнат момо Бобожон қизининг табаррук ёшини бутун қишлоқ нишонлади, деса бўлади. Онахон 110 баҳорни кўрди. Бу тўю-тантанада момонинг фарзандлари, невараларари у кишини бирваракайига қутлашди. Шуниси қизиқки, момонинг фарзандлари орасида табаррук довонни кўзлаб турганлар ҳам кўп. Чунончи, момонинг қизлари Нозбуви опа ҳам 84 баҳорни кўриптилар, ўғиллари Неъматжон, Маъмуржон, Кенжабой, Ибоджон, қизлари — Тўқсулув, Гуласал — қўйингчи ҳаммалари ҳам улуғ ёшни мўлжаллаб туришибди. Шу боис бу хонадонда бирор тадбир ё йиғин бўлиб қолгудай бўлса, табаррук инсонларни зиёрат қилувчиларнинг кети узилмайди.

Бахти баркамол, табаррук момонинг ҳам қалбида дарди бор. У ўхтин-ўхтин тўнғич ўғли Турдибойни эслаб қўяди. Чунки, у Улуғ Ватан уруши жангоҳларидан қайтишга муяссар бўлмади. Унинг азиз ҳоки ўзга юртларда қолган эди.

Зийнат момо ёши нишонланган куни йиғилганларга миннатдорчилик изҳор қилиб, «Илло менинг ёшимга етинглар!» деб дуо қилиб, у кишининг ҳурматлари учун йиғилган бутун жамоага узоқ умр ва омад тиладилар.

Табиатнинг ишлари мўъжизаларга бой, момонинг милкларида яна садафдек тишлар пайдо бўлди. Илгари мева-чеваларни, ёпилган нонларни танавул қилишда қийналган момомиз энди ликда набираларининг қўмагидан холис бўлдилар. Ҳаммадан қувончлиги, шуки у киши ҳали тетик ва бардам.

Суратда: 110 ёшга кирган Зийнат момо катта оила даврасида.

С. АҲМЕДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

НАЖОТ ВА ЮПАНЧ

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг қошида тузилган жумҳурият Байналмилалчи жангчилар ва запасдаги жангчилар уюшмасининг асосий ва бирдан-бир бурчи байналмилалчи афғончиларнинг ҳаёт ташвишлари ва қувончларига шерик бўлишдек хайрли иши диққатга сазовор. Бу уюшма раисининг ўринбосари Одилжон ШОРУСТАМОВ билан ташкилот тузилгандан кейин бир ярим йил ичида қилинган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Уюшмамизнинг жумҳурият барча вилоятлари, шаҳарлари ва ноҳияларида бўлимлари ишлаб турибди. Бизда тўпланган сўнгги маълумотларга қараганда 62 мингдан зиёд афғончи йигитлар бор. Улар орасида 52 киши биринчи гуруҳ, 477 киши иккинчи, 692 киши учинчи гуруҳ ногиронларидир. Бунга қўшимча тахминан бир ярим минг атрофида ҳалок бўлган жангчиларнинг тарбия топган хонадонлари, уларнинг оилаларини кўз олдимизга келтирайлик. Кичик бир мисолни айтиб берай. Оржоникидзе районида истиқомат қилувчи афғончи жангчи Аҳрор Рауфхўжаев район мутасадди идораларидан уй қуриш учун бир парча ер олиш мақсадида жуда кўп елиб-югурди. Жумҳурият Президентининг Фармони эълон қилинган бўлишига қарамай, у ўзининг мақсадига эришишга қийналди. Бу ишга биз аралашдик. Куни кеча у пойтахтнинг «ТашГРЭС» атрофида ер участкаси ажратиб берилиши ҳақида аниқ расмий ҳужжатни олди.

Хоразм вилоятида истиқомат қиладиган I-группа инвалиди Одилбек Отажонов афғончи жангчи. Йигитнинг ҳаётида қувончли воқеалар юз берди. Жангчи оилали бўлди. Туғилган фарзанди шарафига бешик тўйи ўтказилди. Бу қувончли сонияларда қатнашиб, кино лентага сурат туширдик. Тошкент трактор заводи уй-жой даҳасида яшовчи II-группа инвалиди Алишер Қиёмовнинг уйини таъмир қилиб рўзғори учун 250 сўм пул бердик. Бундай мисолларни кўплаб айтиб бериш мумкин.

Амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан бири афғончиларнинг саломатлигини қайта тиклашдир. Шу мақсадда Озодлик ороли — Куба пойтахти Гаванадаги ҳарбий госпиталга жумҳуриятимиздан 12 ногирон юборилди. Улар 45 кун даволанишади. Бундай сафар учинчи марта амалга оширилди. Бинобарин уюшмамиз катта миқдорда пул сарфлаб, Бельгиядан юзта коляска сотиб олди ва улар эгаларига тарқатиляпти.

Яқин ойлар ичида Чирчиқ шаҳри ва Бўстонлиқ ноҳиясида байналмилалчи жангчиларнинг жасорати ва хотирасига ёдгорликлар очилади. Ҳозир бу борадаги иш қизғин боряпти. Бундан ташқари барча жангчиларнинг жасорати, ҳаётига бағишлаб Хотира Китобини яратишга киришганмиз. Ундан ҳужжатли суратлар, мароқли ҳикоялар ўрин олади.

Уюшма ўз фаолиятини яхши йўлга қўйишда жумҳуриятдаги комсомоли касаба союзлари, Туркистон Ҳарбий округи сингари йирик ташкилотларнинг ёрдамига суянмоқда. Шунингдек жумҳуриятдаги кўплаб йирик корхоналар бизнинг ҳисобимизга саховат пулларини ўтказишяпти.

А. ПЎЛАТОВ.

• *Спорт*

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ОЛИЙ ЛИГА. Мамлакат чемпионатининг 10-тур ўйинлари «Металлург» — ЦСКА — (0:0) ва «Торпедо» — Минск динамочилари (0:1) учрашувлари билан якунланди. Ҳозир пойтахт армиячилари 16 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Шахтёр» жамоаси ҳисобида 12 та очко бўлиб, иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Москва спартакчилари, «Арарат» ва «Металлист» футболчилари 11 тадан очко тўплашган. «Торпедо», «Динамо» (Мн), «Динамо» (К), «Днепр» ва «Помир» жамоалари ҳисобида 10 тадан очко бор. Навбатдаги учрашувлар 13-14 май кунлари бўлиб ўтади. Пахтакорчилар Киев динамочиларини қабул қилишади.

● БИРИНЧИ ЛИГА. Навбатдаги учрашувлар наманганлик футболчиларга омад келтирди. «Навбаҳор» жамоаси «Нефтчи» майдонида куч синашиб, дарвозага битта жавобсиз тўп киритиш билан ўз ҳисобига қўш очко ёзди. «Навбаҳор» жами 9 очко билан мавқеини мустаҳкамлади. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари яна имкониятни йўқотишди. Улар Сухуми динамочилари майдонида ютқазиб (0:3) қўйишди. Фарғоналиклар ҳисобида ҳозирча 5 та очко тўпланган. Чемпионатда «Тилигул» 11 та очко билан олдинда бормоқда.

• *Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асари*

Тўра МИРЗО

ЭЛЧИЛАР ТАЪЗИМИ

(«АМИР ТЕМУР» ТАРИХИЙ ДРАМАСИДАН ПАРЧА)

1403 йил. Самарқанд. Темур саройи, Темур шаҳзодалар, сардорлар, Амирнинг хотинлари, Испания элчиси Рюн Ганзалос де Клавихо, Англия элчиси ва бошқа юртлардан келган элчилар. Базм. Туркча қўшиқ ва рақс.

ТЕМУР
(Клавихога)
Испониёга ҳеч ўхшарми бу юрт?
КЛАВИХО
Мен Шарқни севамен, бундай озода,
Бундай тартибли жой йўқдур заминда.
Одамлари хушфеъл, битта ўғри йўқ,
Агар юртингиздан андоза олса,
Европо ҳам обод бўларди бир кун.
Менинг тилим лолдур, менда ҳайрат мўл,
Бундай мард улусни кўрмаганмен ҳеч
ТЕМУР
Тақсиримга ёпинг Турон тўнидан.
АНГЛИЯ ЭЛЧИСИ
Буюк қирол Генрих тўртинчи сизга
Эҳтиромлар айтди, инглиз бахтига
Яхшиям сиз борсиз, йўқса Боязид
Тажовуз кўзини тикканди бизга.
ТЕМУР
(хафа)
Буни қўяверинг. Шундай иш бўлган.
Аммо элчиларга зўр сабоқ бўлсин.
Элчи гиж-гижловчи эмас, сулҳчидур.
Архиескоп Ион қўйнимга кириб
Мени Боязидга қарши қўйгани,
Уни ҳайдаганим Фарангистонга
Барча элчи учун огоҳлантириш,
Элчининг ҳунари жосуслик эмас,
Дўстлик риштасини давлатлар аро
Мустаҳкам этмоқдур буни унутманг.
АНГЛИЯ ЭЛЧИСИ
Дўстлик ипларини маҳкам боғламоқ
Муродида қирол Генрих Тўртинчи,
Қўшничилик қилсак, халқлар ютади.
Икки қитъа аро яна бир қитъа
Турон! Офтоб соҳчи сарҳадларида.
ТЕМУР
Осиё, Оврупо ўпишган ахир,
Машриқ, Мағриб, ернинг ўз болалари.
АНГЛИЯ ЭЛЧИСИ
Англия ва Турон сулҳин тузайлик,
Элчихона очсак Самарқандда биз,
Сиз Лондонда. Борди-келди қиламиз.
ТЕМУР
Жуда соз! Эзгулик туркнинг ҳунари
Дўст ортса, ётади хавфу хатарлар.
Англиядан келган азиз меҳмонга
Турк тўни ёпилсин.
АНГЛИЯ ЭЛЧИСИ
Қуллуқ, амирим.
(Суюрғол Англия элчисига тўн ёпар).
ОЛМОНИЁ ЭЛЧИСИ
Шартнома келтирдим Олмониёдан
Савдо-сотиқ ҳақда. Имзоланг, Амир.
Туронда пахтаю пилла сифатли,
Олмонлар суяди Шарқий либосни,
Олтин ҳисобида нархин тўлаймиз.
ТЕМУР
(шартномани кўздан кечириб).
Мовороуннаҳрда юзлаб боғ очдик,
Пахта майдонларин камайтирдик боз.
Ярмин биздан олинг, қолган ярмини
Мисрдан. У ерда ўғлим Мироншоҳ,
Ҳукмронлик қилар. Мен мактуб битгум.
ОЛМОНИЁ ЭЛЧИСИ
Қуллуқ, Амир! Ахир аждодларингиз
Ҳунлар олмонларга ҳунар ўргатган.
Турклар ва олмонлар бўлса иттифоқ
Беҳад шод бўлгайдур аждодлар руҳи!
ТЕМУР
Олмон мусофирга тўн ёп, Суюрғол!
(Суюрғол олмониё элчисига тўн ёпади)
Сабоҳ хабар келди Венециёдан
Қирол қазо қипти, кўп танти эди,
Насроний бўлса ҳам мусулмон киби
Эзгулик дастини тутганди марҳум,
Элчи Родриг қани?
РОДРИГ
Бундамен, амир.
ТЕМУР
Мен етиб бормасдан вассаллик туғин
Кўтарган юрт бизнинг ҳимоямизда.
Сени қирол қилгум Венециёга!
(Ҳамма Родригни қутлашади).
Родригга қирол деб ёрлиқ берилсин.
УЛУҒБЕК
(чопиб келиб)
Амирим!
ТЕМУР
Бобо деявергин. Тахтда амирмен.
УЛУҒБЕК
Бобожон, савол бор. Лашкарингиз кўп
Ё осмонда юлдуз?
ТЕМУР
Сен не ўйлайсен?
УЛУҒБЕК
Менимча, лашкардан юлдузлар кўпдур,
Аммо Халил Султон лашкар кўп дейди.
ТЕМУР
Иккингиз ҳам ҳақсиз. Кўкда юлдуз кўп,
Ерда эса лашкар.
УЛУҒБЕК
Юлдуз чиройли.
ТЕМУР
Сен ҳам юлдузни суясенми?
УЛУҒБЕК
Ҳа!
ТЕМУР
Муҳаммад, юлдузни кўп суясенми
Ё бобонгни кўпроқ?
УЛУҒБЕК
Икковларингни.
ТЕМУР
Юлдузларни сенга ҳадя этамен.
УЛУҒБЕК
Тонгда офтоб чиқса, уни мен сизга
Ҳадя этгум, бобо!
ТЕМУР
Оббо тирранча
Шоҳруҳ Мирзо, ўғлинг олим бўлажак!
(Улуғбек чиқади).
Қурилиш ишлари қандай бормоқда?
ШОҲРУҲ МИРЗО
Ясси шаҳридаги Хўжа Аҳмаднинг
Мақбараси битди. Самарқандда ҳам
Боғи Чинор битди. Кўҳак дарёси,
Жайҳуну Сайҳуннинг кўприклари
Битди, Амир. Яна Ахсикенту
Қўқон, Марғийнон, Қобулу Қарши,
Сабзаворда ишлар ортиқ қизиган.
ТЕМУР
Жуда соз! Авлодга иншоот қолур,
Йигирма еттита мамлакат бугун
Менинг измимдадур. Ҳар мамлакатда
Бино қолдирайлик. Келгуси авлод
Бузғунчи деб хотир этмасин токи.
Искандар Мақдуний дунёни олиб,
Қўли очиқ кетган. Бор хазинани
Аямай сарф этинг обидаларга.
Турклар қурувчи халқ, қирувчи эмас...
Шўҳроқ нағма бўлсин, олайлик ором.
(Шўҳ куй янграйди. Раққосалар рақсга тушишади. Хитойлик элчи кириб Темурнинг қошига келади).
ХИТОЙЛИК ЭЛЧИ
Мавороуннаҳр Улуғ Амири
Олийзот Темурга Чин ҳукмрони
Чжу Юаньчжондан буюк саломлар
Сизга Чин қизлари ипакдан тиккан
Зарбоф тўн, тағин бу хотинингизга
Хитойда урф бўлган ялтироқ нимча.
ТЕМУР
Соғ бўлсин, қадрли Чжу Юаньчжон!
ХИТОЙЛИК ЭЛЧИ
Кўнглига хуш келди сизнинг элчингиз
Элтган солиқ.
ТЕМУР
Солиқ эмас, совғадур,
ХИТОЙЛИК ЭЛЧИ
Яна айтди буюк Чжу Юаньчжон
Чинга тез-тез солиқ юбориб туринг.
ТЕМУР
(қаҳрла)
Мен ўзим элтамен унга «солиқ»ни!

ПАРДА

Зулфия Жумаевани пахтакорликлар етакчи зиё тарқатувчи сифатида ҳурмат билан тилга оладилар. Мана, ўн бир йилдирки китобхонларнинг яқин маслаҳатчиси Пахтакор ноҳиясидаги Пахтакор қишлоқ Совети аҳолисига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

— Кутубхоначи аввало, китобхон дидини ва қизиқишини билиши керак, — дейди З. Жумаева.

Ҳозирда кутубхона 10 минг 680 та китоб фондига эга. Жиззахлик китобхонлар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. 400 нафар китобхон зиё масканининг фаол аъзоларидир.

У. ҚУШВОҚОВ суратга олган.

• *Ажаб савдолар*

«АНТИҚА» МУСТАҚИЛЛИК

Мустақилликни ҳар ким ҳар хил тушунади. Турган гапки, тўғри маънода қабул қилганларни қутлаш, отасига раҳмат айтиш керак. Лекин ҳаётнинг йўриги қизиқки, уни ўзларича талқин этиб ёки манфаатларига қараб тўн бичиш ҳолларига ҳам дуч келиш мумкин экан. Ёдингизда бордир, марказдаги бир район ўзини мустақил деб эълон қилиб, территорияси узра самолётларнинг учишини тақиқлаб қўйганди. Агар ҳамма улардан ибрат олганда нима бўларди?

Хуллас, мустақилликни тўғри тушуниш керак. Афсуски, ҳамма жойда шундай бўлмаётганлигидан кўнглинг хуфтон бўлади. Буни Хивада рўй бераётган ажиб ҳангомалар ҳам кўрсатиб турибди.

Хивадаги савдо базасида пешонасига уч рақами битилган омбор бор. Унинг бир чеккасида тўққиз ойдирки, турли хилдаги моллар уюлиб ётибди. Улар ичида болалар кийими ҳам, эркаклар пойабзали-ю, аёллар пальтоси ҳам, қўйингки, ҳозир дўконларда нима етишмай турган бўлса, айнан худди шу нарсалар чангга беланиб ётибди. Бунинг устига улар арзонлаштирилган, харидорларнинг бугунги кундаги эҳтиёжи учун зарур ашёлар. Тағин денг, оз эмас, кўп эмас — 114621 сўмлик!

Буни билган ҳар қандай киши инсофсизлик ҳам эви билан-да, дейиши турган гап. Ахир, бунинг учун бирон-бир киши жавоб бериши керак-ку?!

Афсуски, мазкур саволга ҳалигача жавоб топилмай турибди. Катта миқдордаги заруру молларни шунча вақтдан буён сақлаб турганлиги учун на омбор мудирини, на база директорини айблаб бўлади. Чунки, уларнинг фикрича, Хива матлубот жамиятидан келтирилган моллар қонуний йўл билан қабул қилиб олинмаган. Кўпларининг нарх ёрлиқлари йўқ, қачон ва қандай нархда бўлганини ҳам билиш қийин. Бу эътирозларни кейинги текширишлар тасдиқлади.

Хива районы матлубот жамияти раиси М. Отаназаровнинг айтишича, мазкур масалада ўзларининг ҳеч бир айби йўқ экан.

— Биз базага топширдикми, у томонга улар жавоб берсин!

Кўрниб турибдики, ҳар кимнинг ўз мустақил фикри бор. Лекин харидорлар қўлига етиб бормаган, сирли равишда тўққиз ойдан буён омборда чанг босиб ётган 114,6 минг сўмдан ортиқ халқ мулки учун кимдир жавоб бериши керак-ку?! Бизни «мустақил» фикрлар эмас, масаланинг ана шу жиҳати қизиқтиради.

Шу йилнинг февраль ойи 38-дўконда ишловчи Отабек Машарипов учун омадсиз келди. Аввалига уни суд қилишди. Машарипов бундан икки ой муқаддам 1315 сўмлик молни яшириб қўйиб, қўлга тушган эди. Ушбу айби учун унга анча миқдорда жарима солиниб, савдо ишларида ишламаслик хусусида ҳукм чиқарилди.

Эртаси куни Машарипов худди ҳеч нарса бўлмагандай яна ишга чиқди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан, шу куннёқ икки харидор ҳақидан икки сўм 44 тийиндан уриб қолаётганда вилоят савдо инспекцияси ходимлари томонидан ушланди.

Хайриятки, инспекторлар бор экан. Бўлмаса, Машарипов район матлубот жамияти раҳбарлари қаноти остида ҳозиргача «енг шимариб» хизмат қилиб юриши ҳеч гап эмасди.

Омадни қарангки, Хива район матлубот жамияти кутилмаганда йигирма минг шиша грузин коньягининг эгаси бўлиб қолди. Уни мустақил равишда сотиш «Наврўз» универмаги сотувчиси Мадамин Абдуллаевга ишониб топширилди. Сотувчи бу ишончни қойиллатиб бажарарди. У ҳоҳлаган кишисига сотар, қолгани яширидиб турилаверарди. ОБХСС ходимлари томонидан бу сир ошкор бўлгачгина унинг фаолиятига чек қўйилди. Ўша куни омборда 92935 сўмлик қувватли ичимлик яширилиб қўйилган эди. Шунга ўхшаш ҳолат 48-дўконда ҳам юз берди.

«Шодлик» магазини мудири Р. Қурёзов, келин-куёвларга хизмат кўрсатувчи дўкон сотувчиси Р. Солиевалар ҳам минглаб сўмлик камёб молларни харидорлардан яширибиб қўйиб, ўз истакларича иш тутаётганда мутасадди ташкилотлар томонидан фош этилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фақат бир нарса кишини ажаблантиради. Сотувчи, мудирлар ўз қилмишларига яраша жазосини олишяпти. Лекин уларнинг ана шундай қизғин «мустақил» фаолиятига шароит туғдирган, назорат ўрнатмаган район матлубот жамияти раиси М. Отаназаров раҳбарлигида ишлаётган масъул ўртоқлар-чи? Уларга ҳам чора кўриш мумкинмикин? Бунга жавобни Хоразм вилояти матлубот жамиятидагилар беради, деб ўйлаймиз.

Мустақил иш тутиш яхши. Фақат у эзгулик, кишиларга наф келтирадиган бўлиши керак. Хива район матлубот жамиятидаги айрим ўртоқлар каби буни нотўғри талқин қилиш яхшиликка олиб келмайди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу мақола нашрга тайёрланаётганда Хива район матлубот жамияти раиси М. Отаназаров ишдан бўшади. Ўйлаймизки, мазкур воқеа бошқаларга ҳам ибрат бўлади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991 йилга аспирантурага қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— **ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда:** қаттиқ жисм физикаси, иссиқлик двигателлари, йўл ва қурилиш машиналари, атроф муҳитнинг муҳофазалашнинг техникавий воситалари, автомобиль транспортини ишлатиш, биноларда ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари, автомобиль йўллари ва аэродромлар қурилиши, гидравлика ва муҳандислик гидрологияси, халқ хўжалиги ва унинг тармоқларида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш;

— **ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда:** йўл ва қурилиш машиналари, атроф муҳитни муҳофазалашнинг техникавий воситалари, автомобиль транспортини ишлатиш, халқ хўжалиги ва унинг тармоқларида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш;

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари учун мавжуд дастур ҳажмида қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар: махсус фан, фалсафа ва чет тилларнинг биридан.

АСПИРАНТУРАГА ҲУЖЖАТЛАР ИККИ ДАВРАДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Биринчи давра — 15 майгача, кириш имтиҳонлари 1—30 июнь кунлари ўтказилади.

Иккинчи даврага — 30 сентябргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 10 октябрдан 10 ноябргача ўтказилади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй, 1-хона, аспирантура бўлими.

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН

1991 ЙИЛГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

01.02.04 — шакли ўзгарадиган қаттиқ жисм механикаси.
01.04.19 — полимерлар физикаси.
05.02.01 — машинасозликда (тармоқлар бўйича) материалшунослик.
05.02.02 — машинашунослик ва машина деталлари.
05.02.04 — ишқаланиш ва ейилиш.
05.02.18 — механизмлар ва машиналар назарияси.
05.03.01 — механикавий, физикавий, техникавий ишлов бериш жараёнлари, дастгоҳлар ва асбоблар.
05.03.05 — босим остида ишлов бериш жараёнлари ва машиналари.
05.03.06 — пайвандлаш ишлаб чиқариши технологияси ва машиналари.
05.04.09 — нефтни қайта ишлаш ва кимё ишлаб чиқариши машиналари ва агрегатлари.
05.05.03 — автомобиллар ва тракторлар.
05.11.13 — табиий муҳит, моддалар, материаллар ва буюмларни текшириш асбоблари ва усуллари.
05.13.05 — ҳисоблаш техникаси ва бошқариш системаларининг элементлари ва қурилмалари.
05.17.08 — кимё ишлаб чиқариши жараёнлари ва аппаратлари.
05.13.07 — технология жараёнлари ва ишлаб чиқаришларини (шу жумладан тармоқлар бўйича) автоматлаштириш.
05.16.01 — металшунослик ва металларга ҳарорат воситасида ишлов бериш.
05.20.04 — қишлоқ хўжалиги ва гидромелиоратив машиналари.
05.23.17 — қурилиш механикаси.

Аризалар 30 майгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари, 1—30 июнь кунлари ўтказилади ва улар олий ўқув юртлари дастури ҳажмида қуйидагиларидан топширилади: мутахассислик бўйича, фалсафа, чет тили.

Бошқа шаҳардан келганлар аспирантурага қабул қилингандан сўнг ётоқхона билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар (шахсий варақа, диплом нусхаси, иннов қайдномасидан кўчирма, тавсифнома, таржимаи ҳол, ариза) ректор номига қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй ёки аспирантура мудирига топширилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 44-31-37.

●

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

клиник ординатурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«эндокринология» ихтисоси бўйича (2).

Ҳужжатлар — 1991 йил 25 майгача қабул қилинади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 62-27-02, 62-27-13.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

БИОХИМИЯ ИЛМГОҲИ

1991 йил учун

биохимия (кундузги, сиртқи) ва **ҳужайралар биологияси** (кундузги — 2, сиртқи) ихтисослари бўйича

АСПИРАНТУРАГА

ва **биохимия** ихтисоси бўйича

ДОКТОРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул муддати — 1991 йил 1 октябргача.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700143, Тошкент шаҳри, М. Горький шоҳкўчаси, 56-уй.

Тошкент халқ хўжалик олий билимгоҳи жамоаси доцент О. Эгамбердиевга турмуш ўртоғи

Гулнозахон ЭГАМБЕРДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль йўллари олий билимгоҳининг ректорати, партия, касаба уюшмаси ва комсомол ташкилотлари, автомобиль йўллари ва қурилишни механизациялаштириш факультетининг деканати, кўприклар ва транспорт тоннеллари кафедраси жамоаси шу кафедранинг катта ўқитувчиси Т. Ю. Ражабовга отаси

Юсуф РАЖАБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР иқтисодий таъминот вазирлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Иброҳим ХОЛИҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг М. Т. Ўраабоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмгоҳи жамоаси илмгоҳ илмий котиби А. Қаюмовга онаси

Маҳбуба ҚАЮМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-41-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5381.

№ 88. ● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12